

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI



1928 йил 11 декабрда асос солинган

2001 йил 31 январь, чоршанба

№9 (11,294)

Эркин нарҳда сотилади

РАҲБАРЛАР МАЛАКА ОШИРАДИ

Эртага вилоят қишлоқ ҳўжалиги корхоналари (жамоа, ширкат, фермер ҳўжаликлари) раҳбарларининг мунозара-ўқув машғулоти бошланади

МАЪЛУМКИ, қишлоқ ҳўжалигини тубдан ислох қилишнинг бирламчи шарты жамоа, ширкат, фермер ҳўжаликларининг бошқарув тизимини бозор муносабатларига мослаб қайта қуришдир. Бунда оддий дала меҳнатқашларининг моддий манфаатдорлигини қонуний таъминлаш масаласи биринчи ўринга қўйилмоғи лозим. Зеро, бой деҳқон мамлакатни ҳам бойитади, жамиятни фаровон қилади. Бунинг учун эса, ҳўжалик раҳбарларининг ўзлари чуқур билимга эга бўлишлари зарур. Ташкил этилаётган бир ҳафталик машғулот-мунозаралардан кутилган асосий мақсад ана шудир.

Ўқув-машғулотлар давомида ҳўжалик раҳбарларига кўпроқ ва чуқурроқ билим бериш, ширкат, оила пудрати, чек тизими, молия-ҳисоб маркази, ички шартнома каби зарур омилларнинг мазмун-моҳиятини кенг тушинтириш мақсадида ушбу тадбирни эркин, яъни маъруза, машғулот, мунозара, савол-жавоб тарзида ўтказиш режалаштирилган. Шу мақсадда қишлоқ ҳўжалиги бўйича етук мутахассис олимлар, соҳага мутаассадди ташкилотларнинг раҳбарлари ҳам ўқув машғулотларига таклиф этилган.

Машғулотлар жараёнида қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, суғурта тизимини жорий этиш, ширкат ҳўжаликлари фаолиятини «Қишлоқ ҳўжалик кооперативи (ширкат ҳўжалиги) тўғрисида»ги Қонунга мослаштириш, пайчиларга дивиденд ажратиш, оила пудратини ташкил этиш ва чек тизимини қўллаш, иқтисодий ночор ҳўжаликларни санацияга тортиш ёки улар негизда фермер ҳўжаликлари ташкил этиш, шартнома-контрактацияларни расмийлаштириш тартиб-қоидалари пухта ўрганилади. Шунингдек, бог ва тоқзорларни ижарага бериш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, уруғчилик, ғўзанинг тезпишар, серҳосил ва толаси сифатли навларини экиш, пленка остида пахта етиштириш, ҳўжаликларга техник сервис ва лизинг хизмати кўрсатиш, чорвачилик тармоғини ривожлантириш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш масалалари бўйича кенг мунозара ва савол-жавоблар ўтказилади.

Машғулот-мунозара якунида тингловчилар тест сновларидан ўтказилиб, гувоҳномалар топирилади.

Абдусмад Йўлдошев,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ЯНГИ КОЛЛЕЖ ТАЛАБАЛАРИ



Балиқчилик, тикувчилик, ҳисобчилик... Қуйичирчиқ туманидаги Қўрғонча касб-ҳўна қоллежи талабалари шу каби касбларни эгаллашмоқда. Йигит-қизлар танлаган касбларининг услалари бўлиб етиштириш учун бу ерда барча шароитлар муҳайё. Физика, кимё фанларини ўқитиш кабинетлари, балиқчилик, автомобилчилик, тикувчилик хоналари, ишлаб чиқариш таълими устахоналари Миллий кадрлар тайёрлаш дастури талабалари даражасида мукамал жиҳозланган. Талабаларни 26та компьютер рўпараси-



да ўтириб, машғулотлар утказаетган дақиқаларда бир кузатсангиз эди! Олтита лигафон хонасидаги ўқув жараёнларининг мароқли ўтишини айтмайсизми. Спорт заллари, теннис корти, футбол ва волейбол



Миллий дастур

майдончалари, баскетбол залидаги машқлар жараёнида эса булажак мутахассислар жисмоний чиниқиб боришапти.

СУРАТЛАРДА: (юқоридан) коллежнинг умумий кўриши; маънавият асослари фани ўқитувчиси Ҳадича Нажмўжаева (чапдан иккинчи) билан ҳар бир суҳбат талабала қамолотида алоҳида ўрин тутади; компьютер хонасида машғулотлар пайти.

Дилшод АХМЕДОВ олган суратлар.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

БЎЛИМНИНГ ҲАЙРАЛИ ТАШАББУСИ

Вилоят ҳокимлиги Адлия бошқармаси Ҳуқуқий маърифат тарғиботи минтақавий бўлимининг сайёҳаракатлари ва ташаббуси билан Оккўрғон тумани маданият саройида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» маърузида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Анжуманда «Миллий истиқлол гоёси: тушунча ва тамойиллар» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» ташкил этиш тўғрисида»ги Фармоиши ҳақида» маърузалар тингланди.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг муовини Абдукарим Раҳимбердиев иштирок этди. Вилоят ҳокимлиги Адлия бошқармасининг Ҳуқуқий маърифат тарғиботи бўлими ана шундай суҳбатларни вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам ўтказишни режалаштирган.

Ўз мухбиримиз.

ЯКУНЛАР ВА РЕЖАЛАР

Маълумки, республикамизда таълим тизимини ислох қилиш, миллий дастурнинг ижросини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар қилинмоқда. Жараёни босқичма-босқич такомиллаштириб бориш юзасидан тадбирлар белгиланмоқда.

Кеча вилоят халқ таълими бошқармасида бўлиб ўтган йиғилишда таълимдаги ислохотларнинг биринчи босқичи якунлари ҳамда иккинчи босқичда қилинадиган ишлар кўп. Йиғилишда асосий эътибор ана шунга қаратилди. Хусусан, ҳар бир шаҳар ва туманда бу масалалар муҳокамасига бағишланган ўқитувчиларнинг конференцияларини ўтказиш, иккинчи босқич вазибаларини амалга ошириш юзасидан таклиф, мулохазаларни тўплаш ҳамда уларни вилоят миқёсидаги конференцияда ана бир бор кўриб чиқиб, ўқитувчилар республика сьезидига таъсис этишга қарор қилинди.

дустур ва қўлланмалар яратилди. Буларнинг ҳаммаси ўз самараларини бера бошлади.

Айни вақтда олдинда қилинадиган ишлар кўп. Йиғилишда асосий эътибор ана шунга қаратилди. Хусусан, ҳар бир шаҳар ва туманда бу масалалар муҳокамасига бағишланган ўқитувчиларнинг конференцияларини ўтказиш, иккинчи босқич вазибаларини амалга ошириш юзасидан таклиф, мулохазаларни тўплаш ҳамда уларни вилоят миқёсидаги конференцияда ана бир бор кўриб чиқиб, ўқитувчилар республика сьезидига таъсис этишга қарор қилинди.

Ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон — Европа Иттифоқи:

ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

Брюсселда «Ўзбекистон — Европа Иттифоқи» Ҳамкорлик кенгашининг иккинчи мажлиси бўлиб ўтди

Ўзбекистон делегацияси раҳбари, Ташқи ишлар вазири А. Комилов раислик қилган ялпи мажлисда томонлар Ўзбекистон ва Европа Иттифоқида айни пайтдаги сиёсий воқеалар ривожини муҳокама қилди. Алоҳида эътибор савдо-сотиқ учун бизнес иқлим ва республикамизга Европа сармояларини жалб этишга, шунингдек, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик масалаларига қаратилди.

Жумладан, Ўрта Осиёда минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик муаммоларини муҳокама қилиш чоғида томонлар гиёҳванд моддаларнинг тарқалиши, халқаро терроризм ва экстремизм билан курашиш борасида Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлларига эътибор қаратишди.

Мажлисида Европа Иттифоқи делегациясига раҳбарлик қилган Швеция ташқи ишлар вазири А. Линд мамлакатда демократик янгиланишларни таъминлаш, жумладан, Ўзбекистон фуқаролари ўз диний эътиқодларини эркин ифода этишлари юзасидан қабул қилинган чора-тадбирларни Европа Итти-

фоқи делегацияси номидан кутлади. Республикада суд тизимини ислох қилишга йўналтирилган сайёҳаракатлар ижобий баҳоланди. Европа Иттифоқи делегацияси вакиллари тузилмага аъзо мамлакатларнинг Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим доирасида Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, жумладан, сиёсий мулоқотни ва иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни давом эттиришга бўлган интилишларни тасдиқлади.

Европа Иттифоқи вакили К. Дей Ҳамкорлик кенгашининг 1999 йил сентябрь ойидаги биринчи мажлиси ўтганидан буён Ўзбекистонда иқтисодий либераллаштириш, биринчи навбатда валюта ва савдо сиёсатини эркинлаштиришга йўналтирилган қатор чора-тадбирлар қабул қилинганини баён этди.

Европа Иттифоқи делегацияси маъмур тузилма бундан буён ҳам институционал янгиланишларни рўёбга чиқариш, ўтиш даври ижтимоий оқибатларини ҳал қилиш ва қишлоқ ҳўжалиги районларида иқтисодий ривожлантиришга кўмаклашишни билдирди.

Мажлис натижалари бўйича қабул қилинган якуний ҳужжатда қайд этилган.

нидек, Ҳамкорлик кенгашининг иккинчи мажлиси Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар жараёнини жадаллаштириш йўлидаги навбатдаги омил бўлди. «Ўзбекистон — Европа Иттифоқи» Ҳамкорлик кенгаши доирасида А. Комиловнинг Европа Иттифоқи Комиссияси комиссари Крис Паттен билан учрашуви бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида К. Паттен Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш ва уни янада ривожлантириш учун Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битимнинг барча механизмлари ишга солинганини қайд этди.

ЕИК комиссари Ўзбекистоннинг кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурини амалга оширишда ТАСИС дастури доирасида кўмак кўрсатишга тайёр эканини билдирди.

Шунингдек, комиссар К. Паттен гиёҳванд моддалар транзитини, хусусан, унинг Афғонистондаги Ўрта Осиё орқали олиб ўтилиши Европа Иттифоқини жиддий ташвишлантираётган ва шундай бўлиб қолаверадиган масала эканлигини баён этди.

«Жаҳон» АА.

ТРАСЕКА:

XXI АСРГА ЯНГИ ТАКЛИФЛАР БИЛАН

Буюк ипак йўлини Европа-Кавказ-Осиё транспорт тармоғи (ТРАСЕКА) бўйлаб тиклашнинг иқтисодий аҳамияти ҳақида нафузли халқаро анжуманларда кўп марта гапирилган

Ўтган йил ҳам бу лойиҳани ҳаётга татбиқ қилиш борасида самарали бўлди. Хусусан, март ойида Тбилиси шаҳрида биринчи ҳукуматлараро «ТРАСЕКА» анжумани бўлиб ўтди.

«ТРАСЕКА» Ҳукуматлараро комиссияси ишчи гуруҳларининг учинчи махсус йиғилиши декабрь ойида Озарбайжон лойиҳада бўлиб ўтди. Анжуманда Озарбайжон, Арманистон, Болгария, Грузия, Молдова, Қозоғистон, Қирғизистон, Руминия, Тожикистон, Туркия, Ўзбекистон ва Украинанинг ҳукуматлараро комиссиялари иккинчи бандига асосан ягона ҳисоб-китоб ставкалари тизими қўлланилади.

«ТРАСЕКА»нинг 2001-2002 йилларга мўлжалланган янги лойиҳаларини маъқуллаш тўғрисидаги баёнотнинг имзоланиши йиғилишнинг муҳим натижаларидан бири бўлди. «Чегара расмиятчиликларини мувофиқлаштириш», «Транзит божлари бўйича ягона сиёсат

берди: — Сўнгги бу йиғилишда «ТРАСЕКА» йўлаги орқали халқаро юк ташиш, жумладан темир йўл транзити ҳақини тартиблаштириш муҳокамасига бағишланган Протокол имзоланди. Унга асосан 2001 йилнинг биринчи ярмида «ТРАСЕКА» йўлагидан ташиладиган юклар учун ҳақни 1.17га кўтарадиган «2001 йилда халқаро миқёсда юк ташиш бўйича МДҲ давлатларининг темир йўллари тариф сиёсати»да белгиланган тартиб амалга оширилмайдиган бўлди. Кейинроқ эса транзит юк ташишга юқорида зикр этилган ҳужжатнинг иккинчи бандига асосан ягона ҳисоб-китоб ставкалари тизими қўлланилади.

«ТРАСЕКА»нинг 2001-2002 йилларга мўлжалланган янги лойиҳаларини маъқуллаш тўғрисидаги баёнотнинг имзоланиши йиғилишнинг муҳим натижаларидан бири бўлди. «Чегара расмиятчиликларини мувофиқлаштириш», «Транзит божлари бўйича ягона сиёсат

ҳамда тарифлар» лойиҳалари «ТРАСЕКА» транспорт йўлагидан фойдаланишда рақобатбардор шароит яратиш учун мўлжалланган. Шу йилнинг август-сентябрь ойларида бешта лойиҳани сармоялаш бошланади. Бу мақсад учун 11,5 миллион евро миқдорига маблағ ажратилди. Лойиҳаларнинг тўрттасида Ўзбекистон ҳам иштирок этади. Бешинчи лойиҳага кўра Боку, Оқтов ва Туркманбоши портларига кемалар ва йўловчиларнинг хавфсизлигини, шунингдек сувнинг ифлосланмаслигини таъминловчи ускуналар етказиб берилди.

«ТРАСЕКА» Ҳукуматлараро комиссиясининг 2001 йил май охири — июнь бошларида ўтказилиши режалаштирилаётган иккинчи конференцияси Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида ўтказилди.

Сергей ҚУРБОНОВ, Баҳром ШАРИПОВ, «Жаҳон» АА.

КИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ҲИСОБИГА

Оҳангарон туманида ҳайр-эхсон ўн кунлиги уюш-қоклик билан давом этмоқда.

«Намуна бозори», «Уй-жойжамғармабанк», «Саховат уйи», «Тоштелеком» ҳиссасдорлик жамияти Оҳангарон филиали бу борада барчага ибрат бўлмоқда. Уларнинг сайёҳаракатлари билан

шу кунгача 100 минг сўмдан ортиқ маблағ тўпланди. Хусусий тадбиркор Нарғиза Ўтанбоева ҳам ўзининг салмоқли улушини қўшди. Ўн кунлик давом этмоқда.

Нурали АБДУРАСУЛОВ.

НАЗМ ВА НАВО ОҚШОМИ

Янгийўл туманидаги Ниёзбош ширкат ҳўжалигида маънавият кўнлари доирасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Илҳом Фармонов ҳамда шоир Маҳмуд Тоировлар билан учрашув оқшоми бўлиб ўтди.

Шу кунни дилбар шеърлар ўқилди. Хушбод хонанда ижросида эса шўх ва завқиб қўшиқлар янгради. 850 кишини ўз бағрига си-

дирадиган Маданият саройини тўлдириб ўтирган меҳнатқашлар учрашувда ўзларини қизиқтирган кўпнаб саволларга жавоб ҳам олдилар.

Арофат РАЗЗОҚОВА.

ХУДУДИЙ СУД ИШ БОШЛАДИ

Оҳангарон шаҳрида Ангрэн, Оҳангарон, Янгийўл, Олмалик каби аҳоли зич яшайдиган шаҳар ва кўрғонларни ўз ичига олган «Худудий Оҳангарон туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суд» тузилиб, фаолият кўрсата бошлади.

Ушбу суд фуқаролик ишларини кўриш билан бирга юқорида тилга олинган ҳудудлардаги

одамлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишларини ҳам олиб борадилар.

Абдурашул НУРАЛИМОВ.

Ийгилиш

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Уларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш эса ҳаммамизнинг бурчимиздир

Шу йил 27 январь кун Чирчиқ шаҳридаги Кимёгарлар маданият саройида вилоятимизда ёшлар билан ишлаш, турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан 2000 йил якунлари ва 2001 йилда амалга ошириладиган ишлар режасига бағишланган семинар-йигилиш бўлиб ўтди.

аъзолари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича муовинлари, хотин-қизлар қўмитаси раислари, суд-прокуратура, ички ишлар бошқарма ва бўлимларининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Тадбирни вилоят ҳокимининг муовини Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Унда вилоят ҳокимлиги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси

Тадбирни вилоят ҳокимининг муовини Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди. Қўн тартибдаги масала юзасидан вилоят ички ишлар бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбо-

сари, милиция полковниги Гайрат Қодиров, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги диний ишлар қўмитаси раиси Фозилқори Собиров, вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Маъруф Усмонов ва бошқалар маъруза қилдилар.

Жумладан, нотиқлар ва йигилишда сузга чиққанлар вояга етмаган ёшлар уртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида амалга ошириладиган ишлар ҳақида тўхталдилар. Бугунги кунда

осуда ва фаровон ҳаётимиз куп жиҳатдан ёшларимизнинг тўғри тарбияланишига боғлиқдир. Тадбирда ёшлар онгига миллий мафқурани чуқурроқ синдириш, уларнинг ҳар хил экстермистик оқимлар таъсирига берилишининг олдини олиш, ёшларни она Ватанга садоқатли ва эътиқодли қилиб тарбиялаш умумхалқ иши эканлиги алоҳида таъкидланди.

Семинар-йигилиш ишида республика Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими Шуҳрат Ризаев иштирок этди.

Яқун ва таҳлил

СОҶИЛДА ДЕҲҚОНЧИЛИК ҚИЛИШНИНГ ЎЗИ БЎЛМАЙДИ

Лекин Бекобод туманидаги Навоий номи ширкат хўжалиги деҳқонлари кўкламги экиш мавсумига шай бўлиб турибдилар

Деҳқончиликдаги ишларнинг муваффақияти, мўл ҳосил етиштириш хўжаликдаги мавжуд техникаларнинг ҳолати, уларни мавсумга қай даражада шай қилинишига боғлиқдир.

— Лекин ҳозирги бозор иқтисоди шароитида, — дейди ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Мирзаарам Хошимов, — бу мақсадга эришмоқ анча мушкулдир. Сабаби техникаларни таъмирлаш ва шайлашнинг ўзи бўлмайди.

Лекин биз барча имкониятларни ишга солиб, эпини қилаемиз. Бир неча йиллар давомида хўжаликда бош агроном бўлиб ишлаган ва эндиликда раислик вазифасини адо этаётган Мирзаарам Хошимов бу сўзларни ўз тажрибаларидан келиб чиқиб айтган эди.

Майдондан 3 минг тоннадан ортиқ пахта топширилди — асосан юқори навларга. Шундай қилиб, пахтадан жами сарф-харажатлар чегириб ташлангач, 8 миллион сўм соф фойда олинди. 900 гектар галлазордан 2838 тонна хирмон уйилди. Режалардан ортиқча 450 тонна дон олинди. Ана шу ҳосилнинг 150 тоннаси ширкат аъзоларига уларнинг меҳнатига қараб бўлиб берилди. Айримлар гектаридан 55-60 центнерга стказиб ҳосил олдилар. Ўз-ўзидан равшанки, бу каби миришкорларнинг шахсий оморларига тўқилган галла бошқаларни қараганда анча баракали бўлди.

анча мушкул бўлса ҳам узоқ йиллик тажрибалар муаммони ҳал қилишга ёрдам беради. Деҳқонларимиз кўл кучи ёрдамида бўлса ҳам ҳар бир тадбирни ўз вақтида ва сифатли қилиб бажаришга эришадилар. 300 гектар ерга пуштага чигит экамиз. Бу тадбир намининг узоқ сақланишига, униб чиққан қўчатларнинг табиий офатлардан омон қолишига ёрдам беради. Пуштага экилган майдонларда агротехника тадбирларини ўтказиш анча осон кечади. Зарур бўлганда эгат олиб ўтирилмайди, дарҳол сув қўйилади.

Галлачиликдаги ишлар ҳам ҳар йилдагидек, муваффақиятли бормоқда. Катта майдонлардаги галла майсалари кўзни қувонтиради. Бу майдонларга биринчи ишлов, биринчи сув, биринчи озиклантириш бериб бўлинган. Деҳқонлар «Улғибек» нави бизга маъқул бўлиб қолди, агротехикасини яхши ўрганиб олдик, бу йил ҳам ҳосилимиз баракали бўлади, кўклам юз кўрсатиши билан галлазорларга биринчи беришни деҳқонлар юборамиз», — деб айтишди.

Биз бу кўтаринчилик, бу муваффақиятлар замирида битта омил борлиги — одамлар меҳнатига яраша рағбат, манфаат қўраётганларига ишонч ҳосил қилдик. Ширкатга ўтилган эса бу ишонч янада мустаҳкамланди. Пировард натижага қараб, ширкат аъзоларига уларнинг қўшаётган ҳиссаларига яраша дивиденд берилди. Бу ҳам деҳқонларда ўз касбларига бўлган салоқатнинг кучайишига олиб келмоқда. Манфаатдорликнинг устуворлиги уларнинг ўз тажрибаларини бойитиб боришларига, ҳар кимнинг, ҳар бир касб эгасининг ўз ишини билиб қилишига туртки бўлмоқда. Зотан, қайси бир соҳада, тармоқда бўлмасин, билиб ва ўз вақтида малакали бажарилган иш, амалга оширилган тадбир — бу эртанги кунга қўйилган қаламдир.

Биз янги йилдаги янги режалар билан қизиқдик. — Биласиз, — дейди раис, — бизнинг ерларимиз Сирдарёнинг икки соҳилида жойлашган. Бу шамол қаттиқ эсиб турадиган минтақага киралди. Бу ҳол ишимизга, деҳқончиликдаги тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишига ҳақлиқ бермасдан қолмайди. Лекин деҳқонларимизга минг раҳмат, улар иложини топтоқдалар. Аввало, биз ернинг ҳолатини, тупроқ шароитини мутахассислар, олимлар ёрдамида яхши ўрганиб чиққанлигимиз кўл келаяпти. Экиш схемасини шунга мослаб таллаймиз. 900 гектарга яқин майдонга 60х60 усулида чигит экилади. Гарчи бу усулда техникадан фойдаланиш

Носир РИХСИЕВ, Файзулла ЗИЁДУЛЛАЕВ.

Ислоҳот

ДИВИДЕНД ВАҚТИДА ТЎЛАНМОҚДА

Бу корхона жамоаси Ангренда биринчилардан бўлиб акциядорлик жамияти шаклида ишлашга ўтган эди. Хўжаликни бошқаришнинг бозор иқтисодиёти шароитларига мос бўлган усули кўп ўтмасдан ўз самарасини бера бошлади. Жамоа унинг ёпиқ шаклини танлади. Мулкнинг асосий қисми давлат ихтиёрида қолдирилди, ярмига яқини жамоа аъзоларининг ўзига тарқатилди.

72-автокорхона маъмурияти, жамоа ташкилотларининг қарори билан имтиёзли, номинал қиймати аниқ белгиланган акциялар чикарилди. Транспортчилар бундай қимматли қоғозлардан кўпроқ олишлари учун имконият ҳам яратилди. Уларга муайян қисми муддатли қилиб сотилди. Пулини маълум вақт давомида тўлашларига ружаст берилди. Шу тўғрисида акциялар тез тарқалди ва уларни сотиб олганлар учун яхшигина даромад манбаи бўлиб қолди. Утган йил якунлари бўйича ҳар бир акцияга тўланган дивиденд миқдорининг 135 сўмдан кам бўлмаслиги кўтилмоқда. Бу олдинги йиллардагидан анча кўп.

Транспортчилар ўтган асрининг сўнги йилида ҳам самарали ишладилар. Мавжуд автотранспорт воситаларидан оқилона фойдаландилар, уларнинг бўш юришини сезиларли камайтирдилар. Барча бюромачилар билан тузилган шартномаларга қатъий амал қилиб ишладилар. Турли русумдаги кўп кўл кўтаридиган автомашиналар кам билан бир ярим смена ишлатилди. Кўмир қони, «Турон» олтин казиб чиқариш артели, «Ангренон» каби ва бошқа қатор корхона-ташкilotлар уларнинг хизматидан фойдаландилар.

Жамоа ой сайин ишни жаддалаштириб борди. Бунчи декабрь ойи мисолида кўриш мумкин. Бир ойда 17 миллион сўм даромад олиш

мўлжалланган эди. Лекин, барча транспортчилар енг шимариб ишлаганлари учун деярли икки баравар ортиқ қилиб бажарилди. Кўрилган даромад 30 миллион сўмдан ҳам ошиб кетди. Унинг йил давомидаги ҳажми 250 миллион сўмга етди. Бу эса олдинги йилдагидан 9 миллион сўм кўпдир. Олинган соф фойда 15 миллион сўмни ташкил этди. Умумли ишлаб, барча асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича топшириқларни тўла ва зиёдаси билан бажаришга эришаётган ишчи-хизматчиларнинг маошлари ҳам муттасил ошиб бормоқда. «БелАЗ» каби қудратли юк машиналари ҳайдовчилари ҳар ойда 70 минг сўмгача иш ҳақи олишяпти. Энг кам маош эса 15 минг сўмга тенгдир.

Автотранспортчилар 2001 йилда миқдорларнинг кам билан 2 миллион тонна юкни белгиланган манзилларга етказиб бериш мажбуриятини олдилар. Шунинг учун ҳам дастлабки кунлардан фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Айниқса, Анвар Меҳиров, Александр Клинен, Эсонбой Умаров, Абдусамад Норбоев, Эгамкул Қорабоев каби ҳайдовчилар, Зоҳид Убайдуллаев, Сергей Игреньев, Исақул Рустамқулов каби чилангарлар вақтдан ўзиб ишламоқда. Улар топшириқларни ҳар кун ортиги билан бажаришмоқда.

Собир МУҲАМЕДОВ.

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Инсон дунёга келганида илк бор эшитадиган қўшиги она алласидир. Алла билан бирга гўдак қалбига меҳр, Ватанга, ўзи туғилиб ўсган заминга, халқига муҳаббат туйғуси сингади. Зеро, она соғлом, маънавий бой бўлса, фарзанд ҳам баркамол вояга етади.

Гўзал миллий кадриятларимизни улуглаш ва ёшларга синдириш мақсадида пойтахтдаги Аббор Хидоятлов номидаги театрда ўтказилган «Алла» ижрочилари бешинчи аънаваный кўрик-танлови якунланди.

Маданият ишлари вазирлиги, Халқ ижодиёти илмий-услубий маркази, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» жамағармаси, Ўзтелевизиокомпания ҳамда «Шлоссер Усто Хендель» продукцияси Узбекистон-Германия қўшма корхонаси билан ҳамкорликда ташкил этган ушбу танловда Қорақалпоғистон Республикаси, юртимизнинг барча вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган кўриқнинг дастлабки босқичларида голиб чиққан фольклор

дасталар иштирок этди. Танлов иштирокчилари учун давомида халқ озаки ижодининг гўзал мероси бўлиб қадимий ва замонавий йўналишдаги аллалар билан бир қаторда, ҳар бир вилоятнинг ўзига хос урф-одатлари, ранг-баранг удумлари, жозибадор айтишувларини ижро этди. Унда янграган аллалардаги оҳанг ва матн уйғунлиги, ижро маҳоратига алоҳида эътибор берилди.

Ҳақамлар ҳайъатининг қарорига қўра, Фарғона вилоятининг Олтиариқ тумани маданият уйи қошидаги фольклор-этнографик даста республика «Алла» ижрочилари кўрик-танловининг бош совриндори деб топилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

ЗАНГИОТАДА ЯНГИ МАРКАЗ



Кейинги йилларда қишлоқ ва туманларда тез тиббий ёрдам марказлари очилган ва аҳолига малакали шоилинч ёрдам кўрсатишга катта эътибор берилмоқда. Зангиота тумани марказий шоилинч тиббий ёрдам маркази ҳам шулар жумласидандир.

30 ўринга мўлжалланган ушбу шифохонадаги жаррохлик, терапевт, педиатр ҳамда жонлантириш бўлимлари замонавий ташхис қўйиш ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган. Қарийб 150 миллион сўм маблағ сарфланиб, нафас бериш, наркоз ва бошқа зарур техникалар ўрнатилди. Ундан ташқари аҳолига бевосита жойларга бориб хизмат кўрсатиш мақсадида ДАМАС ҳамда РАФ автомобиллари ажратилган.

Марказ бош шифокори, олий тоифали жаррох Юсуфбек Худоевнинг айтишича, бу ерда барча касалликларга биринчи шоилинч тиббий ёрдамни кўрсатиш имконияти бор. Ҳатто, ҳомилдор аёллар учун ҳам махсус «Реабилитация» бўлими ташкил этилган.

— Биз, — дейди бош шифокор, — малакали мутахассисларни ишга олганмиз. Шифокор ва ҳамшираларимизнинг деярли барчаси биринчи тоифали тиббий ходимлари. Улардан ташқари олий тоифали етти шифокор ҳам биз билан меҳнат қилишмоқда. Беморлар Шоира Со-



диқова, Уктам Жўраева, Максууд Холжўраева ва ҳамширалардан миннатдор бўлмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: 1. Тез тиббий марказнинг умумий кўриниши. 2. Муолажа ҳамшираси Халима Исломова. 3. Жонлантириш бўлими бошлиғи Ортоқали Исоев (напдан), шифокор Муҳаммадали Шодиев ва ҳамшира Тожиниса Холжўраева шоилинч тиббий ёрдам кўрсатишмоқда.

Даврон АҲМЕДОВ билан суратлар.

ТОШКЕНТДА ЕХХТ МАРКАЗИ

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ)нинг Венадаги доимий кенгаши қарори билан Марказий Осиёда алоқалар бўйича ЕХХТнинг Тошкентдаги бюроси номи эндиликда ЕХХТ маркази деб юритилган бўлди.

«Туркистон-пресс» мухбирига ЕХХТ марказидан маълум қилишларича, кенгаш қарорини Марказий Осиёда ушбу халқаро ташкилотнинг фаолиятини янада кенгайтириш маъносидан қараб чиқиш талаб этилади.

1998 йилнинг январида Алмат, Бишкек ва Ашхобода ЕХХТ марказлари очилганини назарда тутсақ, эндиликда ташкилот минтақадаги барча мамлакатлардаги ўз ваколатхонасига эгадир. Бу Тошкентдаги ЕХХТ марказига томонлар билан биргаликда Ўзбекистоннинг хавфсизлигини, иқтисодий тараққиётини ва мамлакатда демократик тузилмалар ва фуқаролик жамиятининг барпо этилиши билан боғлиқ масалаларни рўйбега чиқаришга имкон беради.

2001 йилнинг 1 январидан бошлаб бир йил муддатга Руминия ЕХХТнинг амалдаги раиси вазифасини ижро этувчи мамлакат сифатида иш бошлади. Руминия ташқи ишлар вазир Мирчеа Дан Жоан ЕХХТнинг амал-

хабар қилоди

ЎЗБЕК ИПАГИНИ ДУНЁ БИЛАДИ

«Ўзбек шойиси» моддалар уйининг янги кўргазмалар залида «Ўзбек ипаги» уюшмаси шойи махсулотлари кўргазмаси очилди ҳамда шу кунга маъмур моддалар уйининг тақдироти бўлиб ўтди.

Кўргазманинг очилиши ва моддалар уйи тақдироти Ўзбекистон ҳукуматининг шойи тўкиш саноатини ривожлантириш соҳасида узлуқсиз равишда олиб бораётган фаолияти натижаси ҳисобланади. «Ўзбек ипаги» уюшмаси директори муовини Ёдгор Иброҳимовнинг «Туркистон-пресс» мухбирига маълум қилишича, ҳукуматнинг мунтазам равишда кўрсатаётган ёрдами тўғрисида Ўзбекистон шойи саноатида ва чет эл инвестицияларини тармоқда жалб қилиш соҳасида сезиларли ютуқларга эришилди. Хусусан, агар 1998 йилда экспорт ҳажми 642,1 минг АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 1999 йилда у 6227,8 минг, 2000 йилда эса 6427,4 минг доллар миқдорига етди. Тақдирот маросимида чет эл ваколатхоналари, ишбилармон доиралари, республика вазириликлари ҳамда муассасалари ходимлари, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

КўМАК ДАСТУРИ ИШГА ТУШДИ

Америка Қўшма Штатлари ҳукумати томонидан Ўзбекистонга давлат чегараларини муҳофаза қилиш қўмитасига махсус алоқа ускуналари топширилди. Умумий қиймати 300 минг АҚШ долларини ташкил этувчи ушбу ускуналар «Марказий Осиёда хавфсизлик ташаббуси» дастури доирасида етказиб берилди.

75та юқори сифатли радиостанция ҳамда унга алоқадор техникадан иборат ускуналарни топшириш маросимида иштирок этган АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жон Хёрбст маъмур ташаббуси АҚШ ҳукуматининг Ўзбекистонга уч миллион доллар миқдоридан ёрдам кўрсатиш дастурининг бир қисми эканлигини маълум қилди. Бу ҳақда АҚШ давлат қотиби Мэдлен Олбрайт хонимнинг ўтган йил апрель ойида Ўзбекистонга ташириш давомида эълон қилинган эди. Ушбу дастур Марказий Осиёдаги чегаралар хавфсизлигини яхшилашга йўналтирилган.

Элчининг таъкидлашича, Ўзбекистонга тақдим этилган ускуналардан Марказий Осиё давлатларининг мустақиллиги ва худудий ахилтиришга раҳна солаётган террорчилик, ноқонуний қурол-яроғ савдоси ҳамда гиёҳванд моддаларнинг олиб ўтилмишига қарши курашда фойдаланилади. Бу турдаги алоқа ускуналарини ишлаб чиқарувчи АҚШнинг «Баретт Коммоникейшн» компанияси ҳамда АҚШ Курролли қулақларининг вакиллари эса биргаликда ўзбекистонлик алоқачилар учун ускуналардан фойдаланиш бўйича турли семинар-тренинглار ўтказишди.

Шунингдек Ж. Хёрбстининг маълум қилишича, бир неча ҳафтадан кейин америкаликлар қувватли генераторлар ва янги тур компьютерларини етказиб беришди. Кўмак дастури доирасида етказилган қиймати ускуналар эса шахсий кейинги буюмлар, тунда кўриш ускуналари ва бошқа оптик техникадан иборат бўлади.

Alisher Navoiy tavalludining 560 yilligiga

ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ

8-модда. Ўзбекистон халқини миллатидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади.



қароли-гидан чиқ и ш н и илтимос қилувчи ш а х с давлат олдидagi мажбуриятларини ёки фуқароларнинг ёхуд давлат ва жамоат ташкилотларининг муҳим манфаатлари билан боғлиқ мулкчи мажбуриятларни бажармаган бўлса, унинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиши рад этилиши мумкин; бирон шахс чет давлатда ҳарбий хизматга, ҳавфизлик хизмати идораларига, милицияга, адлия идораларига ёки давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа идораларига ишга кирган бўлса, чет элда доимий яшовчи шахс беш йил давомида уэрли сабабларсиз консуллик ҳисобиди турмаган бўлса; Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ёлғонлиги шак-шубҳасиз маълумотлари ёки сохта ҳужжатларни тақдим этиш натижасида олинган бўлса.

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир киши фуқаро бўлиш ҳуқуқига эгадир. Ҳеч қим фуқароликдан ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси ўз идоралари ва мансабдор шахслари орқали фуқаролар олдига масъулдилар, фуқаро эса давлат олдига масъулдир.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари келиб чиқишидан, ижтимоий ва мулкчи ҳолатидан, ирқи, миллати, жинси, маълумоти, тили, дини, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан, машғулотиинг туридан ҳамда бошқа ҳолатлардан қатъий назар қонун олдига тенгдир.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг тенг ҳуқуқлилиги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий турмушининг барча соҳаларида таъминланади. Қоракалпоғистон Республикасининг фуқароси айни бир пайтда Ўзбекистон Республикасининг ҳам фуқароси саналади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган эркак ёки аёлнинг чет эл фуқароси билан ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахс билан никоҳдан ўтиши, шунингдек, бундай никоҳнинг бекор қилиниши эр ёки хотиннинг фуқаролигини тўхтатишига олиб келмайди.

Чет элдаги Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари Ўзбекистон Республикасининг ҳимояси ва ҳомийлигидан фойдаланадилар. Ўзбекистон Республикаси ўзининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ўзлари борган мамлакат қонунлари билан, Ўзбекистон Республикаси ва унинг фуқароси борган давлат қатнашаётган шартномалар ҳамда халқаро одатлар билан бериб қўйилган ҳамда ҳуқуқлардан тўла фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари учун чора кўришлари, уларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини белгиланган тартибда ҳимоя қилишлари, зарур ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш тадбирларини кўришлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахсининг чет давлат фуқаролигига мансублиги тан олинмайди. Алоҳида ҳолларда, хорижий давлат фуқаролари бўлиш ватандошлар, агар улар ёки уларнинг ота-оналари, бувалари ёки бувалари бир вақтлар мавжуд тузум туфайли ватанин ташлаб кетишга мажбур бўлган бўлсалар, ўз илтимосларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига ҳам қабул қилинишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб тургани ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган ва чет давлат фуқаролигига мансублигини исботлайдиган далиллари бўлмаган шахслар фуқаролиги бўлмаган шахслар деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги қуйидаги ҳолларда олинади: туғилганда; Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиниши натижасида; Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларда назарда тутилган асослар бўйича; бошқа асослар бўйича.

Фуқаролиги бўлмаган, Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган боласи Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади. Ота-онаси номаълум бўлган ва Ўзбекистон ҳудудида яшаётган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаросидир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги қуйидаги ҳолларда тўхтатилади: Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш оқибатида; Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиш оқибатида; Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларда назарда тутилган асосларга буюн; агар Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг фуқаролиги бўлмаган шахслар деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисидаги ишларни юритувчи Ўзбекистон Республикасининг давлат идоралари қуйидагилардан иборат: Ўзбекистон Республикасининг Президенти; Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги; Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги; Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари.

Фуқаролик масалаларига оид аризалар Ўзбекистон Республикаси Президенти номига ариза беришнинг доимий истиқомат жойидаги ички ишлар идоралари орқали, чет элда доимий яшовчи шахслар томонидан эса Ўзбекистон Республикасининг тегишли дипломатик ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари орқали топширилади.

Чет давлат фуқароси бўлган шахс ўз фуқаролигини ўзгартириш ниғтида бўлса, мажбур давлатнинг муносабатини кўрсатувчи ҳужжатни тақдим этиши шарт. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига олиш, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига тиклаш ёки ундан чиқиш тўғрисидаги илтимосномалари аризаларининг ёзма илтимосига буюн кўриб чиқилади. 18 ёшга тўлмаган шахслар хусусидаги илтимосномалар улар вакилларининг нотариал идоралар томонидан, чет элда эса Ўзбекистон Республикасининг тегишли дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси томонидан тасдиқланган қонуний вакилларининг илтимосига буюн кўриб чиқилади.

14 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига олиш, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига тиклаш ва ундан чиқириш тўғрисида ариза топшириш чоғида уларнинг розилиги бўлиши шарт. Бундай розилик ёзма баён этилиши ва нотариал идоралар томонидан, чет элда эса Ўзбекистон Республикасининг тегишли дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасалари томонидан тасдиқланган бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик масалаларига оид қарорлари ижроси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги фуқаролик масалалари комиссияси томонидан, шунингдек, бошқа ваколатли идоралар томонидан ўз ҳуқуқлари доирасида назорат этилади.

Фуқаролик масалаларига оид аризаларни қабул қилишдан асоссиз бoш тортганлик, аризани кўриб чиқиш муддатлари бузилганлик, шунингдек, мансабдор шахсларнинг фуқаролик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш тартибини ва шу масалаларга оид қарорларни ижро этиш тартибини бузадиган бошқа икки хатти-ҳаракатлари хусусида улар бўйсунмагани қорри мансабдор шахсга ёки судга қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Абдуазиз ЧЎЛИБЕВ, Тошкент Давлат Юридик институтининг «Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви» кафедрасининг катта ўқитувчиси.

Гарчи Паркент қор ағушида ястаниб ётган, эсаётган еллар юз-кўзларини сал-пал чимдиб ўтаётган бўлса ҳам, туман маданият саройини тўлдириб ўтирган одамларнинг чехрасида қуёш балқикандек эди. Бу қуёшни уларга ҳазрати Алишер Навоийнинг руҳ-поклари берди. Аҳли Паркент назм ва наво бахш этган дилдорликдан бир олам қувонч, илҳом олдилар. Ўзбекистон халқ ҳофизлари Исмоилжон ва Исроилжон Ваҳобовлар, Маҳмуджон Йўлдошев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Шарқ булбули Насиба Сатторова, Уктам Аҳмедовларнинг Навоий газаллари ила ажиб бир шикасталик билан айтган қўшиқлари янграган, ширинзабон шоир Маҳмуд Тоиров суҳандонлигида кечган ушбу кечанинг таърифини батафсил ёзган, анча узун бўлиши шубҳасиз. Лекин, биз энг муҳим нуқталарини қаламга олдик холос.

Навоийга узатадилар. Шоир эса: «Бу ерда мендан ёши улуглар бор, аввал улар муҳр қўйсинлар, сўнгра, мен», деб Сайид Хасан Ардашерага уза-тибдилар. Ардашер ҳам фармони олийини ўлиби, кўзларига суртиб, яна Навоийга қайтартибдилар. Шунда ҳазрат ҳужжатнинг энг пастига муҳр босибдиларки, ундан кейин ҳеч қим бирор нарса рақам қилолмас экан.

Шоир яратган Ширин, Лайли, Моҳибону каби аёллар образини қаранг: қанчалар латиф, қанчалар гўзал. Ривоят қилишларича, сўзда Лайлининг суратини чиғиб, ўзлари унга мафтун бўлиб йнғлар эканлар. Дер эканларки: «Лайлини ўзим яратиб, ўзим уни ишқ дардига муғтало этдим». Лайлининг чиройида

сўради Расул оға. Ҳа, деди муҳбир. «Мен бугун ичиб қўйдим, Навоий ҳақида бетаҳорат сўз айтиб бўлмайди», деди Расул Ҳамзатов. Кўрдингизми, Навоий, қанчалар табаррук! Яна бир гап. Тилшунос олимлар қайси адиб ижодида кўп сўз ишлатилганини ҳисоблаб чиқишибди. Пушкин, Сервантес, Толстойларни сўз усталари деб эътироф этишибди. Навоийнинг сўз бойлиги улардан ҳам кўп эканлиги исботланди. Буюк шоир асарлари изоҳли луғатининг ўзи тўрт жилдан иборат. Унинг ҳақиқат айтилганидан барчаннинг набири бор.

Ҳа, деди муҳбир. «Мен бугун ичиб қўйдим, Навоий ҳақида бетаҳорат сўз айтиб бўлмайди», деди Расул Ҳамзатов. Кўрдингизми, Навоий, қанчалар табаррук! Яна бир гап. Тилшунос олимлар қайси адиб ижодида кўп сўз ишлатилганини ҳисоблаб чиқишибди. Пушкин, Сервантес, Толстойларни сўз усталари деб эътироф этишибди. Навоийнинг сўз бойлиги улардан ҳам кўп эканлиги исботланди. Буюк шоир асарлари изоҳли луғатининг ўзи тўрт жилдан иборат. Унинг ҳақиқат айтилганидан барчаннинг набири бор.

Ҳа, деди муҳбир. «Мен бугун ичиб қўйдим, Навоий ҳақида бетаҳорат сўз айтиб бўлмайди», деди Расул Ҳамзатов. Кўрдингизми, Навоий, қанчалар табаррук! Яна бир гап. Тилшунос олимлар қайси адиб ижодида кўп сўз ишлатилганини ҳисоблаб чиқишибди. Пушкин, Сервантес, Толстойларни сўз усталари деб эътироф этишибди. Навоийнинг сўз бойлиги улардан ҳам кўп эканлиги исботланди. Буюк шоир асарлари изоҳли луғатининг ўзи тўрт жилдан иборат. Унинг ҳақиқат айтилганидан барчаннинг набири бор.

НАВОИЙ ШАЪИИГА ЯНГРАДИ НАВО

Паркент тумани ҳокими Мирзамашраб КҮЧЧИЕВ: — Бугун ҳазрат Навоий таваллудининг 560 йиллигини нишонламоқдамиз. Ҳазрат мулкнинг соҳибқирони бўлган шоир бобоклонимизнинг нафаслари тадбиримизда иштирок этаётган аjoyиб сўз усталари, адибларимизнинг дил изорларидида уфуриб турипти. Паркент дийдор гўшасига айланди. Бу дийдорни ҳазрат Навоий бизга раво қилдилар.

Оллоҳнинг жамолини бир қатраси акс этган экан. Демак, Навоий Лайли тимсолида Ҳақ жомолига ошиқ бўлганлар. Бу каби қаҳрамонларнинг умри абадий. Иншооллох, юртимизда Маҳинбону. Ширин, Лайлилар кўлаб камол топадилар. Уларда Навоий куйлаган олий сифатлар муҳассам бўлди, деб ишонаман.

Уткир ҲОШИМОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Олий Мажлис депутати: — Менинг назаримда Навоий асарларининг тахлили — қуёшга тик қарамоққа ўхшайди. 1968 йилда ҳазратнинг 525 йиллигини нишонладик. Мен Аргентинадан келган меҳмонга ҳамроҳлик қилдим. Иттифоқ кечки чой пайтида атоқли шоир Расул Ҳамзатов билан бир дастурхонда ўтириб қолдим. Шунда муҳбир келиб, шоирдан Навоий ҳақида икки оғиз сўз айтишни илтимос қилди. «Муслмонмисан, таҳорат нималигини биласанми?», деб

экан. Умуман эсламай қўйишса, руҳ ҳам бошқа Галактикага ўтиб кетар экан. Ҳазрат Навоийнинг руҳи эса она заманимизни асло тарк этмайдими. Уни ҳар лаҳза ёд этамиз, ўқиймиз. тавоф қиламиз.

Ким қилса иморатки, мақдур ўлай, Чун исми катобидо мастур ўлай. Не чоққача уа бинок мазмур ўлай, Ул исм улус тилидо мазкур ўлай.

Саид АҲМАД, Ўзбекистон халқ ёзувчиси: — Дунёга келганига 560, ёруғ оламдан кетганига беш юз йил бўлган Алишер Навоийнинг хотирасини шод этиб ўтирибмиз. Навоийдан кейин неча-неча минглаб инсонлар дунёга келган. Лекин, биз инсоф билан айтилик: уларнинг орасида Навоий сингари сермахсул, унинг даражасига етган аҳли ижодаримиз санокли эмасми? Бобур, Машраб, Нодирбегим сингари юлдузлар чиндан ҳам бармоқ билан ҳисоблағудекдир.

Биз хар йили Навоийонлиқ кўнлари ўтказамиз. Нанкин биз, Навоийни бутун дунё тавоф қияпти. Ул зот тенгсиз даҳодир. Беш юз йил олтимиз ёшлик Навоийга нима бўлибди. Хали беш минг йиллар ул зотнинг газаллари мағзини қағиб, ибрат дасларини ўқиймиз. Осмонда қуёш, оёғимиз остида замин бор экан Алишер Навоийнинг номи тиллардан тўшмайди.

Оллоҳнинг жамолини бир қатраси акс этган экан. Демак, Навоий Лайли тимсолида Ҳақ жомолига ошиқ бўлганлар. Бу каби қаҳрамонларнинг умри абадий. Иншооллох, юртимизда Маҳинбону. Ширин, Лайлилар кўлаб камол топадилар. Уларда Навоий куйлаган олий сифатлар муҳассам бўлди, деб ишонаман.

Иброҳим ҒАФУРОВ, адабиётшунос олим, «Миллий тикланиш» демократик партиясининг раиси, Олий Мажлис депутати: — Ростини айтсам, Навоийни шунчаки ўқиб, шунчаки билиб юрганлардан жуда ҳам хафа бўлман. Одатда адабий асарларда қаҳрамон яратилган ўн йиллар керак бўлади. Навоийни ўқиб, мен шу шоирни яхши биламан, дейиш учун эса минг йиллар ҳам кам. Нима учун шоирнинг шеърларига зарра ҳам губор қўнмасдан бизнинг давримизга чўлаб келди? Чунки Навоий куйлаган одамийлик, йимон, садоқат, муҳаббат, диенат бизнинг халқимизда бисёр. Шундай фазилатлари сероб халқнинг ўз Навоийси бўлади-да. Ҳамма элда буюк фарзандлар бор. Лекин бизнинг бахтимиз шундаки, Алишер Навоиймиз бор. Бу бахтни то абад ардоқлаш бурчимиздир.

Хофизларнинг хонишлари янграганда оппоқ соқоли отахонлару, кўзлариди хайрат акс этган ёшларгача Алишер Навоий кимлигини яна бир қарра хис этиб, дилларини ғурур чулғагани, умидбахш шоирлар Иқбол Мирзо, Усмон Бекларнинг назмларини тинглаганда руҳиятларига ором эпкинлари етгани шубҳасиз.

Ойдин ҲОЖИЕВА, Ўзбекистон халқ шоираси, «Саодат» журнали бош муҳаррири: — Мен Навоий қамтарлиги олдига ҳаммиша лол қолганман. Мир Алишер Султон Хусайн Бойқароннинг кистови билан муҳрдорлик мансабига ўтирганлариди, муҳр бошиш учун ҳужжат келиптирадилар. Биринчи бўлиб

Уткир ҲОШИМОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Олий Мажлис депутати: — Менинг назаримда Навоий асарларининг тахлили — қуёшга тик қарамоққа ўхшайди. 1968 йилда ҳазратнинг 525 йиллигини нишонладик. Мен Аргентинадан келган меҳмонга ҳамроҳлик қилдим. Иттифоқ кечки чой пайтида атоқли шоир Расул Ҳамзатов билан бир дастурхонда ўтириб қолдим. Шунда муҳбир келиб, шоирдан Навоий ҳақида икки оғиз сўз айтишни илтимос қилди. «Муслмонмисан, таҳорат нималигини биласанми?», деб

экан. Умуман эсламай қўйишса, руҳ ҳам бошқа Галактикага ўтиб кетар экан. Ҳазрат Навоийнинг руҳи эса она заманимизни асло тарк этмайдими. Уни ҳар лаҳза ёд этамиз, ўқиймиз. тавоф қиламиз.

Иброҳим ҒАФУРОВ, адабиётшунос олим, «Миллий тикланиш» демократик партиясининг раиси, Олий Мажлис депутати: — Ростини айтсам, Навоийни шунчаки ўқиб, шунчаки билиб юрганлардан жуда ҳам хафа бўлман. Одатда адабий асарларда қаҳрамон яратилган ўн йиллар керак бўлади. Навоийни ўқиб, мен шу шоирни яхши биламан, дейиш учун эса минг йиллар ҳам кам. Нима учун шоирнинг шеърларига зарра ҳам губор қўнмасдан бизнинг давримизга чўлаб келди? Чунки Навоий куйлаган одамийлик, йимон, садоқат, муҳаббат, диенат бизнинг халқимизда бисёр. Шундай фазилатлари сероб халқнинг ўз Навоийси бўлади-да. Ҳамма элда буюк фарзандлар бор. Лекин бизнинг бахтимиз шундаки, Алишер Навоиймиз бор. Бу бахтни то абад ардоқлаш бурчимиздир.

Ва ниҳоят ушбу муғтасар ҳикоямизни шундоқ тугатсак ўринли бўлади: Навоий ушбу ўтганини билиб кетиш учун бў ёруғ дунёда туғилиш ҳам катта саодатдир. Навоий сўзлаган тилда сўзлаш, шу тилда ёзиш буюк бахтдир. Навоий дилчимизники, Навоий тилчимизники, Навоий шу буюк элимизники.



Ўзбекистон муносабатларининг — Япония: Янги босқичи

Поёнига етган 2000 йил Ўзбекистон — Япония ўртасидаги маданий ҳамкорлик борасида эсда қоладиган алоҳида йил бўлди. Мазлумки, ўтган йили Кунчир мамлакатининг бутун ҳудуди бўйлаб мамлакатимизнинг кўлаб тақдирот маросимлари бўлиб ўтди.

да кўргазма ташкил этилди, радио тўлкинлари орқали Аваджи оролида жойлаган Кансай ҳудуди бўйлаб бир кеча-кундуз ўзбек музикалари янграб турди. Икки мамлакат ўртасида маориф соҳасидаги ҳамкорлик муносабатлари ҳам тобора ривожланиб бораётди. Ўзбекистонлик кўлаб иқтидорли талабалар Япониянинг етакчи олий ўқув юрталарида тахсил олишмоқда. Тошкентдаги 295-мактабнинг ўқувчилари Япониянинг Созен ва Нагано шаҳарларидаги тенгдошлари билан яқиндан дўстлик ришталарини бошлашган.

Шу ўринда биргина Ўзбекистон Республикаси маданияти фестивалини эслаб ўтишни ўзи кифоя қилади. Унда Япония аҳолиси ўзбек халқ амалии санъатининг та-

никли усталари иш намуналари билан яқиндан танишди, «Хоразм гуллари» фольклор ансамбли мамлакатнинг 40дан ортиқ шаҳрида ўз санъатларини намойиш

ХАЛҚАРО ҲАЁТ мамлакатлар одамлар воқеалар

ҚИСҚА САТРАРДА Исроил муваққат ҳукумати бошлиғи Эхуд Барак мамлакатда сайлов кампанияси бошлангани муносабати билан Исроил-Фаластин тинчлик музокаралари вақтинча тўхтатилишини маълум қилди. Бироқ томонлар ушбу масала бўйича мулоқотни бутунлай тўхтати қўймайди, деди Бош вазир.

ҚАЙТА ТИКЛАНДИ Хорватияни Босния ва Герцоговина билан тулаштирувчи темирйўл алоқаси туққиз ярим йиллик танаффусдан сўнғ қайта тикланди. Илгари бу йулдан ҳар куни 70тачага поезд қат-

ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР 2000 йилда Бразилия иқтисодиётида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Маълумотларга кўра, мамлакатнинг тулов баланси дефицити ҳамда ташқи қарзлари ҳажми бирмунча қисқарган, хорижий сармоя ҳамда иш ўринлари кўпайган. Тулов баланси дефицити ҳажми утган йили 24 миллиард 608 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Маҳаллий кузатувчилар 1996 йилдан бери бундай ижобий кўрсаткичга эришилмаганини айтмоқда.

ФИКР АЛМАШДИЛАР Япония ташқи ишлар вазири Иохэй Коно АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл билан учрашди. Мулоқот чоғида томонлар халқаро ва минтақавий масалалар хусусида фикр алмашди. Асосий эътибор Корея яриморалидаги вазият, Хитой-Россия муносабатлари, шунингдек, рақастдан мулоффа миллий тизими, АҚШнинг Япониядаги Окинава оролида жойлаштирилган ҳарбий қисмлари ҳамда савдо бўйича халқаро музокараликнинг янги босқичини бошлаш масалаларига қаратилди.

АНЖУМАН ЯКУНЛАНДИ Португалияда Ўртаер денгизи давлатлари вакиллари иштирокида ўтган халқаро анжуман ўз ишини якунлади. Унда Европа ҳамда араб давлатларидан вакиллар иштирок этди. Анжуман иштирокчилари икки кун давомида Ўртаер

ЎН ЙИЛ ИЧИДА Бугунги кунда Коста-Рика аҳолиси 3,6 миллион кишини ташкил қилади. Утган йилнинг ёзида ўтказилган рўйхатга олиш натижалари шуни кўрсатди. Сунгги ўн йил ичида коста-рикаликларнинг ўртача умр кечирishi кўрсаткичи 76 ёшга етди.

ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРДИ Хитой ҳукумати Ҳиндистон роҳбариятига мажбурий йўлбош, мамлакатнинг Гужарат штатида юз берган элзипиодан қурбон бўлгонлар оила ғазоларига ҳамдардлик билдирди. Хитой тобиий офат талафотларини тезроқ бортараф этиш учун инсонпарварлик ёрдами сифатида Ҳиндистонга беш миллион юан ажратди ҳамда кутқорув гуруҳини жўнатди, деди росий Пекин вакили.

ДУНИЁНИ ИШЛАРИ Ҳиндистоннинг Гужарат штатида ўз берган кучли зилзила оқибатида халок бўлганлар сони 20 минг кишига етди. 50 мингдан ортиқ киши турли даражада тан жароҳати олди. Юз минглаб фуқаро эса бошпанасиз қолди. Хабарларга қараганда, қурбонлар сони яна ошиши мумкин. Чунки вайроналар остида қанча одам қолиб кетгани хали номаълум.

БЎЛИМЛАР БИРЛАШАДИ Испания ҳамда Португалиянинг уяли телефон алоқа билан шуғулланаётган компаниялари Бразилиядаги бўлимларини бирлаштиришга қарор қилди. Макссад Лотин Америкасида уяли алоқа билан шуғулланувчи энг йирик компанияга асос солишдир. Уларнинг қўшма сармояси ўн миллиард АҚШ долларига етади. Абонентлар сони эса туққиз миллиондан ортиқ бўлади.

М. ЗОХИДОВ, «Жаҳон» АА. (ЖАҲОН ОММАВИЙ АҲБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ЎЗА ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Ибратнома

ҲАҚ СЎЗНИНГ ҚУДРАТИ

Бир оғиз сўз омонлик бир оғиз сўз ёмонлик ато этади. деб машойихлар бежиз айтмаганлар. Ривоят қиладиларки, эолим...

жуда қаттиқ таъсир қилибди. Дилда шафқат, қарам қилиш иштиғки уйғонибди. — Эй доно аёл, сен ҳақ...

Арофат РАЗЗОКОВА тайёрлади.

ЧИМЁНДА ҚИШ

Тоғ бағрида оппоқ-оппоқ қор, Жимирлатар боқсанг кўзингни. Уқлар каби юмшоқ, беозор — Оқликларга боссанг юзингни.

Шодликларга тўлсин ўғил-қиз — Ташрифга ташнабдир Чимён. Чангилларда учамиз гиз-гиз. Қий-чуварларга ошнабдир Чимён.

Оқликларга ўранса дунё, Чимчиласа қишининг нафаси, Юракларга солади қувонч, Зумрад фасл гашти, нашъаси.

Оппоқ қорлар ёғверсинлар, Ҳар фаслда бетакорр зийнат. Баҳорларни бағрида алқар, Шудир асли қишки фазилат.

Нўмон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.



Акбар АЛИЕВ.

ЭНГ ЯХШИ СПОРТ МАКТАБИ

ЎЗБЕКИСТОН энгил атлетика федерациясининг навбатдаги йиғилишида ўтган йил якунлари сарҳисоб қилиниб, болалар ва ёшлар олимпиада резервлари спорт мактаблари фаолиятига баҳо берилди.

Тошкент вилояти Халқ таълими бошқармасига 30 таълими бошқармасига қарашли биринчи спорт мактаби эса энг яхши таълим муассасаси, деб топилди.

Ушбу спорт мактаби

иш бошлаганига 30 йил бўлди. Бу орада кўплаб моҳир спортчилар ётишиб чиқди. Улар республика мусобақаларида фаол қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритдилар.

Хушхабар

Спорт мактабининг раҳбари Геннадий Якобсоннинг ҳақамлик фаолияти ҳам муносиб тақдирланди. У ўтган мавсум якунлари буйича республикадаги энг яхши спорт ҳақами, деб тан олинди.

Акбар АЛИЕВ.

ҚИЗИҚ

КИТЛАР «ХОНИШ»И

Америкалик биологлардан Л. Гини ва К. Пейн китлар тўғрисида олиб борган кўп йиллик тадқиқотларидан сўнг шундай хулосага келишди: китларнинг аллақандай увиллашида оҳангдор талати товушлар эшитилади. Тадқиқотчилар бу товушларда тақорланиб турувчи «оҳанг парчалари» борлигини аниқлашдики, уларнинг фикрича улардан китлар муайян маълумотни бир-бирларига етказишда фойдаланишлари эҳтимол.

Китларнинг бундай «хониш»ида ҳақиқатан ҳам бирор жиддий маъно бор-йўқлиги ҳозирча номаълум. Бироқ, мазкур товушларда қофияларнинг тузиллиш эквивалентлари шу даражада изчилки, гўё жонивор улар орқали бирор нарсани ифодалагандек.

«САЙЁР» КҮТБ

Магнит кутби ернинг география кутбига тўғри келмайди ва унинг ўрни муқтасил ўзгариб туради. Янгизеландиялик олимлар жанубий магнит кутби Австралия қитъаси томон силжиб, ҳозир Антарктида соҳилларидан қариб 140 километр узоқликда жойлашганини аниқлашди.

Магнит кутбини силжиши билан ер магнит майдонининг йўналиши ва кучи ҳам ўзгарадики, бу нарсга кемалар қатновида аҳамиятлидир. Магнит кутби 1909 йилдан, яъни бу ҳодиса кашф этилгандан бери бир неча юз километрга кўчи. Бундай кўчишнинг сабаблари ҳозирча аниқланган эмас. Аммо, у ер суяк ядросининг юқори қисмидаги электр тоқларининг ўзгариши билан боғлиқ деган тахмин бор.

ОДАМЗОННИНГ ИЛК ВАТАНИ

Шу чоққача одамзоднинг илк қадамини Африка қитъаси билан боғлашарди. Бироқ 1985 йил августда Бирманнинг Мандалай университетига олимлари шу мамлакат шимолидаги Могоун шаҳри яқинидан топилган жас суяги ва бир неча тиш бу тахминни йўққа чиқарди. Мазкур топилманинг эгаси бўлиши бизнинг жузда узок аждоғимиз дараклар устида яшаб, ҳўл мевалар билан тирикчилик қилганлиги маълум бўлди.

Могоун одами Мисрдаги Файом воҳасидан суяклари топилган ва энг қадимий, деб ҳисобланган одамсимон маймулардан, кам деганда беш миллион йил қадимийроқ эканлиги аниқланди. Шундай қилиб, одам «шағраси» дастлаб Африкада эмас, Осиёда пайдо бўлган дейиш мумкин.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ тайёрлади.

Ҳаётда тақдир ҳазили инсоини не куйларга солиб, не кўчаларга бошламайди, дейсиз? Ҳар бир инсоннинг тақдири, ҳаёт кечинмолари турлича бўларкан. Бўлмаса умрининг нақ қузида қалб баҳори наслими эсиб қолган, севиш ва севилишдек тансиқ Оллоҳ инъоми шу икки қалбнинг пешонасига битармиди?

Моҳирахон кунларнинг бирини ишга анча эрта отланди. Бекатга етмасдан ёғаётган ёмғир қорға айланди. Бекатда одам кўп. Шу орада троллейбус келиб тўхтади. Одамлар ўзларини тирбанд троллейбусга уришди. Моҳира ҳам бир амаллаб чиқиб олди. Тасодифан оёғини кимдир босиб юборди. У жон ҳолатда «мм-м-м» дедиди, қаршисида гуноҳкорларча тикилиб турган йигит билан нигоҳи тўқнашди. «Уэр, — деди йигит хижолат бўлиб, — билмай қолдим». Йигит Моҳирахонга ўқтин-ўқтин қараб кўр, ниманидир гапирмоқчи бўларди. Моҳирахон ҳам буни сезиб, хижолатда кизариб, кўзини олиб қочишга ҳаракат қиларди.

Тирбанд троллейбусда аранг кетаётган Моҳирахонг аксига олиб, лабига жемперидан илашган қил ёпишиб, гашига тега бошлади. Қили олиб ташлашга ҳаракат қилиб, удалай олмади. Бунга кўриб турган йигит аста жимлайиб, қаршисида турган Моҳирахоннинг лабидидаги қилни авайлаб олиб ташлади. Моҳирахон бу вазиятдан уялиб кетди. Яна меҳрли, сирли нигоҳлар тўқнашди. Шу орада деразадан ёғаётган лайлак қор иккинсинг диққатини тортиди. Сўхбатлари анча қовушиб, ўртадаги хижолатлик пардаси йўқолди.

Шу кунги кечгача Моҳирахон эрталабки воқеадан таъсирланган юрди. Эртасига йигитни эти уювиши, иситмаси кўтарилиб, ишга боролмай бўлди. Унинг хаёлидан троллейбусдаги йигит сира кетмас, кўз ўнгидан унинг меҳр билан тикилиб турарлиги кетмасди. Унинг ширин сўзлари қалбига муҳрланиб қолганди. Лекин бола-чақа, уй-рўзгор ташвишлари тўла араваини ёлғиз тортиб юриб, гамоқ бўлиб қолган аёл учун бу каби ҳиссиётлар бегонадек бўлиб кетганди. Фам юки босган аёл учун қалб амрига бўйсунмиш ҳам қандайдир кўркинчи эди. У соғайиб, уни унуттишга ҳаракат қилди.

Лекин... Бир кунги телефон жиринглаб қолди. Телефон гўшагини кўтариб, аёл лол қолди. Гўшақ-

дан ўша меҳрибон таниш овоз келарди. Улар кечкурун учрашди. Метро ёнида турган йигитга Моҳирахоннинг кўзи тушиши биланқ юраги ораниқиб кетди. «Раҳмат, Моҳирахон, менга ишонч билдириб келганингиз учун», — меҳр билан Моҳирахоннинг қўлларини қафларининг орасига олиб деди йигит. — «Менинг исимим Шуҳрат». Кун салқин бўлишига қарамасдан, улар йўлка бўйлаб аста сўхбатлашиб кетишди. Уларнинг диллари, дунёқарашлари бир-бирига чамбарчас эди.

Мизсия яшай олмайдиғандек бўлиб қолди. Оллоҳим, менга шу ёшимда шундай оғир синов бердинг-ки, мен ожизман. Қайси бир ўз гуноҳидан беҳабар банданг, сенинг синовсиноятларингга қарши ҳолда болаларимдан отасини, мендан эса пешонамга ёзилган умр йўлдошимни олиб кетди.

Моҳирахоннинг кўзларидаги йигит ҳам оилали. Биз бир-биримизни канчалик севайлик, унинг оиласини бузиш — бу менинг гуноҳим бўлади. Оллоҳим, менга шу имтиҳонингдан ҳам ўз ҳиссиётларим, эҳтиросларимни тизгинлаб, шижоат билан энгиб ўтишимга маъад бер! Менга мурувват этиб, тоқат, жасорат бер! — илтижо қиларди. Уларнинг учрашув онлари ҳам худди бегубор ёш йигит-қизларникидек кечарди. Доим бир-бирларидан тортиниб, йиманиб гаплашишарди. Бир-бирларини тезроқ кўриш истигади икки дил баравар таллинарди.

Учрашув кунлари ораси узок бўлиб кетгандек туюларди уларга.

Севгилисини уйда оиласи кутаётгани эсига тушганда, Моҳирахоннинг қалби зирилларди. Қалбини саросима, иккинчи тўғуси эгалларди. Виджон азоби билан севиғи наҳидаси Моҳирахоннинг қалбиде баравар тугён урарди.

Бир кунги учрашганларида Моҳирахон қалбидеги тугёнларини сатрга тушириб, севиғилисига узатди: «Шуҳратжон, бунга ўқингу, теъада йиртиб ташланг. Бу ўқинганларингиз қалбларимизнинг, севиғимизнинг сўнгги интихоси бўлиб юрагингизга муҳрлансин». Шуҳрат шоша-пиша ўқиди: «Кўнгил бустонининг биз кириб қолган кўчалари гуноҳи азим ботқоғидир. Бу ботқоқдан иккинчизнинг ҳам ёлгон ҳиссиётларимизга чек қўйиб, чиқиб кетишимиз Оллоҳ имтиҳонларига одил жавобимиз саналади. Сиз бахтлисиз, бу бахт сизни бир умрга тарқ эмаслигини Яратгандан тиллайман».

Шуҳрат хатни гижимлаб, Моҳирага қаради. Унинг ҳайрат тўла юзларида бир савол бор эди: «Нега?!» Моҳирахон бунга жавобан оғир тин олиб, гагмин жимлайди ва хазин руҳда «Хайр!» дея одимлаб кетди. Шу йўсинда Моҳирахон умрининг фасли қузидаги баҳорини ички дард, шу билан бир қаторда пок юрагга матонат билан кузатди. Биринчи қор эса аёл виджонининг пойига оппоқ, бегубор поевндоз бўлиб тўшарди.

Моҳира шу кунги ажойиб туш кўрди. Тушида оппоқ қор ёғаётганмиш. Моҳира оппоқ қорга қадам қўйишга тортинармиш. «Юравер, — деган овоз келибди шунда қулোগа, — у сенга поевндоз, билсанг». Моҳира ўйғониб кетиб, тонг отгунча қайта кўз юммади.

Маҳфуза НИШОНОВА.

Дзюдо БРОНЗАДАН ОЛТИНГАЧА

ЧИРЧИК спорт клуби базасида тўрт кун давом этган Ўзбекистон чемпионати якунланди.

Вилоятимизнинг ҳар бири саккиз курашчидан иборат бўлган эркак ва аёллар терма жамоалари республика миқёсидаги ушбу нуфузли мусобақада одатдагидек, муваффақиятли иштирок этди. Айниқса, Андрей ва унинг рафиқаси Ольга Штурбабиналар эришган натижа кўвончли бўлди. Улар ўз вазн тоифаларида барча рақибларини мағлуб этиб, Ўзбекистон чемпиони шарафли унвонини қўлга киритдилар ва вилоятимиз жамғармасига иккита олтин медал ҳадя этидилар.

Финалгача муваффақиятли кураш олиб борган Лазиз Йўлдошев, Исқандар Раҳимов ва Эгам Акбаров пировардида кумуш медал билан кифояландилар. Яна етти нафар вақилимиз — Анастасия Таратухина, Надежда Ромашова, Санжар Зокиров, Мурод Каликулов, Шерзод Долимов, Темураш Аҳмедов ва Николай Стенинлар мукофотли учинчи ўринни эгаллаб, жамоамизга яна олтинга бронза медалини олиб бердилар.

Шундай қилиб вилотиимиз дзюдочилари имкониятдаги ўн олтинга медалдан ўн иккитасини қўлга киритиб, бонга вилоятларга нисбатан энг юқори натижага эришдилар. Бу эса норасмий терма жамоа ҳисобида Тошкент шаҳридан сўнг фахрли иккинчи ўринни эгаллаш имконини берди.

Самъад Йўлдош.

Ўб-ҳаво

Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 31 январь-4 февраль кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ёғингарчилик кутилимайди, эрталаблари ва кечкурунлари туман тушади.

Ҳарорат кечалари 7-12, кундуз кунлари эса, 1-6 даража совуқ бўлади. Шу кунларнинг ўрталарида ҳарорат кўтарилиб, кечалари 4 даража совуқ, 1 даража илиқ атрофида, кундуз кунлари 6-11 даража илиқ бўлиши кутилади.

Бекажон

ЛИМОН ШАРБАТИ ОШИН ДЕСАНГИЗ...

Деразадаги совуқдан ҳосил бўлган «ғул-ларини аввал илқил сувли намақобда ҳўланган, кейин қуруқ латта билан яхшилаб артиб ташлашгангиз ойна тип-тиник бўлади. Тилла узук, сирга ва занжирларни доимо ярқираб турсин десангиз, бир неча томич нашатири спирти ва шампун аралаштирилган илиқ сувга солинг-да, уч-тўрт марта яхшилаб чайиб олинг. Лимонни дастурхонга тортишдан олдин 15 дақиқа қайноқ сувга солиб қўйинг. Шунда у яна ҳам ширали бўлади. Гўшт майдалагични ишлатишдан олдин қайноқ сувга бир-икки марта чайиб олсангиз, гўштини осонгина кесадиган бўлади. Бўйинбоғнинг гижимлиги, шалвираб қолганини кўрганда асло хафа бўлмаңг. Шиша банкани олиб қайноқ сувга тўлдиринг, кейин унга бўйинбоғини яхшилаб ураб қўйинг. Қарабсизки у яна янгидек бўлиб қолсади. Ҳаммом ва ошхонадаги сув жуьрақларини доимо ялтираб туришини хоҳласангиз лимон пучоғи билан артиб туринг.

Матлуба МАҲМУДУЖАЕВА тайёрлади.

УДНИНГ ИККИНЧИ ТОРИ

сакланиб келаётган ва ҳозир ҳам мавжуд бўлган мусика асари. 37. «Шаҳзод» гуруҳи ижросидаги кўшиқ. 39. Айтилган ашула сўзининг ҳар бир банди турлича мазмундан иборат бўлган ўзбек фольклори жанри. 40. Икки ичроичига мўлжалланиб яратилган мусика асари. 42. Ўзбек, тожик халқлари мусика меросидаги чолғу куйлар.

Crossword puzzle grid with numbers and musical notes. Includes a 10x10 grid and a 15x15 grid.

Ўзингизни синанг

рувчи иккинчи тор. 43. Пьесанинг монолог ва диалогларида мусика жўр бўлиши ё ўрни билан чалиниб туриши. 44. XII-XIV асрда айтилган қўповозли ашула. 45. Католикларнинг ибодат вақтида ижро этилган кўп қисмли хори.

Тузувчи Акромжон ХУЖАМОВ, тДОУ талабаси.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ 17 ЯНВАРЬ СЕНИДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

ЭНИГА: 1. Кўлбуқа 4. Яқтак 7. Гармсел 10. Рез 11. Ибо 12. Буғ 13. Илек 14. Бит 15. Жига 16. Боб 21. Ирин 22. Орол 23. Анталая 27. Айсберг 30. Қўрак 31. Эри 32. Мола 34. Уруғ 35. Юрт 39. Енгили 40. Астрограф 41. Тараф 44. Туя 46. Сейм 47. Арис 48. Тон 51. Океан 54. Фритаун 56. Довюрак 58. Илиқ 59. Орзу 61. Рид 62. Алоз 63. Дев 64. Идил 65. Ява 70. Дук 71. Сон 72. Арктика 73. Сарпо 74. Америка

ГАЗЕТАМИЗНИНГ 24 ЯНВАРЬ СЕНИДА БОСИЛГАН ЧАЙНҚРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Хиндистон 2. Норак 3. Корт 4. Туппор 5. «Рапид» 6. Динор 7. Регистон 8. Навоий 9. Йурма 10. Архимед 11. «Донишнома» 12. Абдуллаев 13. Висол 14. «Ливерпуль» 15. Лаъл 16. Лочин 17. Нейлон 18. «Нилуфар» 19. Раис 20. Атом 22. Маҳалла 23. Ақиқа 24. Азон 25. Нейтрон 26. Норка 27. Антонов 28. Вена 29. Ацетон 30. Нух

ТОШКЕНТ НАВОИЯТИ Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир: Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонар: 133-40-48, 136-57-27.

Манъилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида № 8 рақам билан рўйхатга олинган

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.